

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

**Машинада ўқиладиган ахборот массивлари учун машинада
ўқиладиган коммуникатив UZMARC Database формати**

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасидаги стандартлаштириш бўйича 7-сон техник кўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 26.03.2018 даги 05-939-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

4 Ушбу стандарт ISO 2709:2008 Information and documentation. Format for information exchange (Информация и документация. Формат для информационного обмена) халқаро стандарти талабларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган

5 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида эълон қилинади

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга

Мундарижа

1 Қўллаш соҳаси	1
2 Норматив ҳаволалар	1
3 Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар	2
4 Машинада ўқиладиган ахборот массивларини ва маълумотлар базаларини таснифлаш	3
5 UZMARC Database форматини қўллашга доир қўлланма	3
6 UZMARC Database форматининг тузилишига қўйиладиган талаблар	5
6.1 Форматни ҳужжатлаштириш	5
6.2 Ёзув ва маълумотлар майдони маркери	5
7 UZMARC Database форматада қўлланиладиган майдонлар рўйхати	6
7.1 0xx майдонлар блоки - идентификациялаш блоки	6
7.2 1xx майдонлар блоки – кодланган ахборот блоки	9
7.3 2xx майдонлар блоки – тавсифловчи ахборот блоки	25
7.4 3xx майдонлар блоки – изоҳлар блоки	28
7.5 4xx майдонлар блоки – ёзувларнинг боғланганлик блоки	34
7.6 5xx майдонлар блоки – ўзаро боғланган сарлавҳалар блоки	34
7.7 6xx майдонлар блоки – мавзуни аниқлаш блоки	38
7.8 7xx майдонлар блоки – жавобгарлик блоки	38
7.9 8xx майдонлар блоки – халқаро фойдаланиладиган блок	38
7.10 9xx майдонлар блоки – миллий фойдаланиш блоки	44
А илова (маълумот учун) UZMARC Database форматадаги ёзувларга мисоллар.	46

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

**Машинада ўқиладиган ахборот массивлари учун машинада
ўқиладиган коммуникатив UZMARC Database формати**

**Система стандартов по информации, библиотечному и
издательскому делу**

**Коммуникативный машиночитаемый формат UZMARC Database
для машиночитаемых информационных массивов**

System of standards on information, librarianship and publishing.
Communication Uzbek machine readable format UZMARC Database
for machine readable information data

Кириштирилган сана 02.04.2018

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт турли маълумотлар базаларини ва машинада ўқиладиган ахборот массивларини уларнинг структурасидан ва муаммоли-мўлжалланган мазмуни (контенти)дан қатъи назар машинада ўқиладиган шаклда тавсифлаш реквизитлари учун коммуникатив UZMARC Database форматининг таркибига ва маълумотлар элементлари билан тўлдирилишига қўйилган талабларни белгилайди.

Стандарт маълумотлар базалари ва машинада ўқиладиган ахборот массивлари бўлиб ҳисобланадиган электрон ахборот ресурсларини библиографик тавсифлашга тааллуқли бўлиб, уларни ахборот-кутубхона муассасаларида, илмий-техник ахборот органларида, давлат библиографияси марказларида ва библиографик маълумотларни яратиш ва алмашишда иштирок этаётган бошқа ташкилотларда рўйхатга олиш учун мўлжалланган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

O‘z DSt 1214:2009 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар

О‘з DSt 2310:2011 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Электрон нашрлар. Асосий турлари ва чиқувчи маълумотлар

О‘з DSt 2312:2011 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг библиографик тавсифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

О‘з DSt 2803:2013 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. UZMARC машинада ўқиладиган коммуника-тив формати

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг Ўзбекистон ҳудудида амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

3.1 Ушбу стандартда О‘з DSt 1214, О‘з DSt 2310 ва О‘з DSt 2803 бўйича атамалар қўлланилган.

3.2 Ушбу стандартда куйидаги қисқартмалар қўлланилган:

МБ	маълумотлар базаси
МММБ	муаммоли-мўлжалланган МБ
FTP	File Transfer Protocol – файлларни узатиш протоколи
FQDN	Fully Qualified Domain Name – доменнинг тўлиқ аниқланган номи
HTTP	HyperText Transfer Protocol – гиперматнни узатиш протоколи
IANA	Internet Assigned Numbers Authority – Интернетдаги рақамли адреслар бўйича қўмита
TCP/IP	Transmission Control Protocol/Internet Protocol – узатишни бошқариш протоколи/IP протоколи
TELNET	Telecommunication network – телекоммуникация тармоғи (тармоқ орқали фойдаланиш бўйича терминални эмуляция қилиш протоколи)
URI	Uniform Resource Identifier – бир хиллаштирилган (бир хил) ресурс идентификатори
URL	Uniform Resource Locator – ахборот ресурсининг бир хиллаштирилган кўрсаткичи
URN	Uniform Resource Name – ресурснинг бир хиллаштирилган номи
UTF-8	Unicode Transformation Format, 8-bit – Юникод 8 битли ўзгартириш формати

4 Машинада ўқиладиган ахборот массивларини ва маълумотлар базаларини таснифлаш

Ахборот-кутубхона муассасаларида маълумотлар базалари ва машинада ўқиладиган ахборот массивлари уларда сақланадиган ахборот турига қараб таснифланади. Туридан қатъи назар барча МБ таркибида маълум турдаги (классдаги) амалий масалаларни ечиш учун мўлжалланган мавзу жиҳатидан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва/ёки маълумотлар бўлган МММБ бўлиб ҳисобланади.

Сақланадиган ахборот тури бўйича МБ қуйидагиларга бўлинади:

1) ҳужжатли – ҳужжатли ахборотнинг турли хилларини ўз ичига олган. Ҳужжатли МБда қандайдир ҳужжат (масалан, қонун ёки мақола матни) сақлаш бирлиги бўлиб ҳисобланади ва фойдаланувчига унинг сўровига жавобан ҳужжатга ҳавола ёки таркибида керакли ахборот бўлган ҳужжат тақдим этилади.

Ҳужжатли МБ қуйидагиларга бўлинади:

а) улар таркибига қирадиган ҳужжатлар таркиби бўйича қуйидагиларга:

- таркибида маълум мавзу ёки мавзулар бўйича библиографик тусдаги маълумотларни ўз ичига оладиган библиографик МБ;

- таркибида реферат кўринишидаги маълумотлар бўлган рефератив МБ;

б) ҳужжатларни сақлаш тури бўйича қуйидагиларга:

- ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ҳаволали МБ. Ахборот манбаига ҳавола кўрсатувчи МБ-кўрсаткичлар;

- таркибида тўлиқ матнлар, сақланадиган ҳужжатлар кўринишидаги маълумотлар бўлган тўлиқ матнли МБ;

2) таркибида фактографик маълумотлар бўлган фактографик МБ. Фактографик турдаги тизимларда МБда фойдаланувчини қизиқтирувчи «фактлар» кўринишидаги предмет соҳасидаги объектлар тўғрисидаги ахборот сақланади;

3) таркибида луғавий (тезаурусли) маълумотлар бўлган лексикографик. Лексикографик маълумотлар базаларига турли луғатлар (таснифлагичлар, кўп тилли луғатлар, сўз асослари луғатлари ва ш.к.) қиради.

5 UZMARC Database форматини қўллашга доир қўлланма

UZMARC Database форматидан МБ кўринишидаги машинада ўқиладиган ахборот массивлари бўлиб ҳисобланадиган электрон ахборот-кутубхона ресурслари учун библиографик маълумотларни яратишда фойдаланилади.

UZMARC Database формати ахборот-кутубхона муассасаларида фойдаланиш ва алмашиш учун машинада ўқиладиган шаклдаги МБ тўғрисидаги метамаълумотларнинг яратилишини регламентлайди.

Машинада ўқиладиган шаклдаги МБ тўғрисидаги маълумотлар излаш элементини таъминлаш ва узоқдаги ахборот массивига (МБга кириш платформаси ва (ёки) адреси) кириш (чиқиш) нуқталарини яратиш учун ҳосил қилинади.

UZMARC Database формати ахборот-коммуникация тармоқлари орқали кириш билан ахборот-кутубхона муассасасидан ташқарида жойлашган МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивларига нисбатан қўлланилади.

UZMARC Database локал жиҳатдан ахборот-кутубхона муассасаси ичида жойлашган (қаттиқ диск/сервер) инсталляцияланган МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивларига нисбатан қўлланилмайди.

Узоқда жойлашган МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивлари O‘z DSt 2312 (4.2) га мувофиқ узоқдан фойдаланиладиган электрон ресурслар бўлиб ҳисобланади.

Узоқдан фойдаланиладиган ресурс сифатида МБ ахборотни ишлаб чиқувчилар билан тузиладиган шартнома, битим, лицензия келишуви шартларида ахборот-телекоммуникация тармоқлари орқали вақтинча ёки доимий фойдаланишга олинладиган тармоқдаги узоқдан фойдаланиладиган ахборот-кутубхона ресурси бўлиб ҳисобланади.

Ахборот-кутубхона муассасаси кира оладиган тармоқдаги узоқдан фойдаланиладиган ахборот-кутубхона ресурслари қуйидагиларни тақдим этиши мумкин:

- а) ноширлар ва (ёки) агрегаторлар маҳсулоти;
- б) электрон фондлар ёки бошқа кутубхоналарнинг коллекциялари;
- с) ахборот-кутубхона муассасаси томонидан танлаб олинган ва ўз навигация-излаш тизимларига киритилган эркин Интернет-ресурслар.

UZMARC Database формати МБ тўғрисидаги ҳисобга олинладиган ахборотнинг тўлиқлигини ва ишончлилигини, МБ тўғрисидаги маълумотларга ўзгартиришларни тезкор киритилишини, МБга кириш муддатларини ҳужжатлар билан расмийлаштирилишини, МБга киришни тақдим этувчи етказиб берувчилар, эгалар ва жавобгар шахсларнинг фирмалари ва ташкилотлари тўғрисидаги қайд қилинадиган маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

Локал жойлашган инсталляцияланган МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивлари O‘z DSt 2312 (4.2) га мувофиқ локал фойдаланиладиган электрон ресурслар ҳисобланади.

Инсталляцияланган МБ локал фойдалана олиш ресурси сифатида фойдаланувчилар кира оладиган жойларда (компьютерларнинг қаттиқ дискларида) инсталляцияланган ва/ёки ахборот-кутубхона муассасасининг серверида жойлашган тармоқдаги локал ахборот-кутубхона ресурслари ҳисобланади.

Тармоқдаги локал ахборот-кутубхона ресурслари ахборот-кутубхона муассасасида электрон (рақамли) кутубхона ёки коллекцияни ҳосил қилади, улар таркибига асосан ахборот-кутубхона муассасаси томонидан рақамланган, сотиб олиш йўли билан ёки бегараз равишда олинган

хужжатлар ва рақамли шаклдаги хужжатлар киради. Хужжатлардан ахборот-кутубхона муассасасининг ичида ҳамда бошқа муассасаларнинг виртуал ўқув залларида ахборот-кутубхона тармоқлари бўйича фойдаланиш мумкин.

6 UZMARC Database форматининг тузилишига қўйиладиган талаблар

6.1 Форматни хужжатлаштириш

Қабул қилинган белгилар:

(1) Доллар белгиси - «\$» дан майдоности идентификаторининг биринчи симболи сифатида фойдаланилади.

(2) Хэш белгиси - «#» дан оралиқ симболи ўрнига фойдаланилади.

(3) Вертикал чизиқ - «|» дан тўлдирувчи символ сифатида фойдаланилади.

6.2 Ёзув ва маълумотлар майдони маркери

Ёзув маркери библиографик ёзувнинг бошида жойлашган бўлиб, МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивлари учун маълумотлар элементларининг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиб O‘z DSt 2803 (5.2.2) га мувофиқ тўлдирилади. Ёзув маркери маълумотларининг элементларини тўлдириш хусусиятлари 1-жадвалда берилган.

1-жадвал. Ёзув маркери маълумотларининг элементларини тўлдириш хусусиятлари

Символлар позицияси	Бериладиган код	Символлар ва кодлар таърифи
6	1 -	Ёзув тури. Электрон ресурслар – структураси ва муаммоли-мўлжалланган таркиби (контенти)дан қатъи назар машинада ўқиладиган шаклдаги маълумотлар базалари ва машинада ўқиладиган ахборот массивларининг ҳар хил турлари
7	c =	Библиографик даража. Танлаш – сунъий равишда яхлитланган библиографик бирлик
19		Хужжатлар коллекциясининг белгиланиши. Ушбу стандартнинг 4-бўлимида келтирилган сақланадиган ахборотнинг тури бўйича МБга боғлиқ ҳолда фойдаланилади. МБнинг бир турдалигини ажратиб бўлмаган ҳолда «e» - «Электрон ресурслар» коди қўйилади.

1-жадвалнинг охири

Символлар позицияси	Бериладиган код	Символлар ва кодлар таърифи
	b –	Китоблар ва рисодалар МБ
	s –	Даврий нашрлар МБ
	j –	Давомли нашрлар МБ
	z –	Журнал мақолалари МБ
	w –	Газета мақолалари МБ
	c –	Мақолалар МБ (манба турини аниқлаштирмасдан)
	r –	Тақризлар МБ
	a –	Диссертациялар авторефератлари МБ
	g –	Тасвирий нашрлар МБ
	n –	Нотали ҳужжатлар МБ
	o –	Ноёб/эскича босилган нашрлар МБ
	t –	Илмий-техник ҳужжатлар МБ
	p –	Патент ҳужжатлар МБ
	u –	Стандартлаштириш ҳужжатлари МБ
	m –	Картографик материаллар МБ
	d –	Диссертациялар МБ
	h –	Қўлёзмалар МБ
	v –	Аудио-видеоҳужжатлар МБ
	i –	Халқаро ташкилотлар ҳужжатлари МБ
	e –	Электрон ресурслар МБ сифатида
	f –	Депонент қилинган ишлар МБ
	k –	Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича ҳисоботлар МБ

7 UZMARC Database форматида қўлланиладиган майдонлар рўйхати

7.1 0xx майдонлар блоки - идентификациялаш блоки

Блок ўз ичига МБ тавсифларига тегишли бўлган идентификация рақамларини олади. Блок МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивлари учун идентификация рақамларининг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиб, O‘z DSt 2803 (6.1) га мувофиқ тўлдирилади.

Қуйидаги майдонлардан фойдаланилади:

017 Бошқа стандарт идентификатор

021 Давлат рўйхат рақами

035 Бошқа тизимли рақамлар

017 Бошқа стандарт идентификатор

Таъриф

Майдон, агар МБ ахборот манбаида бўлса, МБнинг стандарт рақами ёки кодини ўз ичига олади.

Мавжуд

Факультатив. Агар ёзувда ҳар хил турларга тегишли бўлган рақамлар бўлса, биринчи индикаторнинг турли қийматлари билан такрорланади; агар ёзувда бир турдаги биттадан ортиқ рақам бўлса, биринчи индикаторнинг бир хил қиймати билан такрорланади.

Индикаторлар

1-индикатор: Стандарт рақам ёки коднинг турини белгилайди:

- 7 – Рақам/код манбаи \$2 майдон остида кўрсатилган;
- 8 – Стандарт рақам тури кўрсатилмаган.

2-индикатор: Рақам/коднинг сканланган тасвири худди шу рақам/коднинг визуал тасаввуридан фарқланишини аниқлайди:

- 0 – Ахборот мавжуд эмас;
- 1 – Фарқи йўқ;
- 2 – Фарқлари бор.

Майдон остилари

\$a Стандарт рақам.

Таркибида тўғри тузилган рақам ёки код мавжуд. Рақамлар ёки кодлар рақам/коднинг турига мувофиқ тузилади.

Агар ёзувда майдон бўлса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқлаштиришлар.

\$a майдонностида бўлган рақам/кодга тегишли бўлган аниқлаштиришларни ўз ичига олади. Одатда аниқлаштиришларга ноширнинг ёки МБ ахборот етказиб берувчининг номи ҳам киради.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$d Нархи.

Каталоглаштириладиган МБ нархи тўғрисидаги маълумотларни ва ундан фойдалана олиш шартлари тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$z Хато рақам ёки код.

Кейинчалик бекор қилинган хато берилган рақам ёки код.

Факультатив.

Такрорланади.

\$2 Рақам ёки код манбаи.

Код тури.

Факультатив.

Такрорланмайди.

Ўзаро боғлиқ майдонлар

021 Давлат рўйхат рақами

021 Давлат рўйхат рақами

Таъриф

Майдон мамлакатнинг муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш хизмати томонидан берилган МБ рақамини ўз ичига олади.

Мавжуд

Давлат рўйхат рақами мавжуд бўлганда мажбурий. Такрорланади.

Индикаторлар

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдоностилари

\$a Мамлакат коди

Миллий библиография мамлакатини идентификацияловчи икки символли код. Мамлакат номларининг кодлари O‘z DSt 2803 (В илова)да келтирилган.

Агар ёзувда 021 майдон келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Рақам.

Мамлакатнинг муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш хизмати томонидан берилган рақам.

Агар ёзувда 021 майдон келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$z Хато рақам.

Такрорланади.

035 Бошқа тизимли рақамлар

Таъриф

Майдон бошқа тизимдан олинган ёзув идентификаторини ўз ичига олади.

Мавжуд

Факультатив. Такрорланади.

Индикаторлар

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдоностилари

\$a Ёзув идентификатори.

Бошқа тизимдан олинган ёзув идентификатори. Ундан олдин кавс ичида ўз тизимида бу идентификаторни берган ташкилот коди келтирилади.

Агар ёзувда 035 майдон келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$z Бекор қилинган ёки хато ёзув идентификатори.

Факультатив.

Такрорланади.

Ўзаро боғланган майдонлар

801 ёзув манбаи, \$b ва \$9 майдоностилари

7.2 1xx майдонлар блоки – кодланган ахборот блоки

Блок қайд қилинган узунликдаги маълумотларнинг кодланган элементларини ўз ичига олади. Блок МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивлари учун идентификация рақамларининг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиб, O‘z DSt 2803 (6.2) га мувофиқ тўлдирилади.

Блок қуйидаги майдонларни ўз ичига олган:

100 Умумий ишлов бериш маълумотлари

101 Ҳужжатнинг тили

102 Нашр қилинган ёки ишлаб чиқарилган мамлакат

106 Кодланган маълумотлар майдони: ҳужжатнинг шакли

110 Кодланган маълумотлар майдони: давомли ресурслар

135 Кодланган маълумотлар майдони: электрон ресурслар

100 Умумий ишлов бериш маълумотлари**Таъриф**

Майдон МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивлари тўғрисидаги ёзувларга нисбатан қўлланиладиган қайд қилинган узунликдаги кодланган маълумотларни ўз ичига олади.

Мавжуд

Мажбурий. Такрорланмайди.

Индикаторлар

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдоностилари:

\$a Умумий ишлов бериш маълумотлари

\$a майдоностига ёзилган барча маълумотлар символ позицияси билан идентификацияланади.

Символ позициялари 0 дан 35 гача рақамланади. Символларнинг барча позициялари уларга мос маълумотлар келтирилиши ёки келтирилмаслигидан қатъи назар албатта майдонда акс эттирилади.

Мажбурий. Такрорланмайди.

§a майдонности маълумотларининг элементлари 2-жадвалда берилган.

§a / (0-7 символлар позициялари)

Ёзувни файлга киритиш санаси.

Тўлдирилиши мажбурий.

Сана учун стандарт шаклдаги саккизта рақамли символлар: ЙЙЙЙООКК, бу ерда ЙЙЙЙ йилга, ОО - ойга, зарур бўлганда бошланғич нолли, КК – ойнинг кунига мос келади, агар зарур бўлса у ҳам бошланғич нолли.

2-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Кўрсатилган позицияларни тўлдириш	Символлар сони	Символлар позициялари
(1) Ёзув файлга киритилган сана	мажбурий	8	0-7
(2) Сана тури	мажбурий	1	8
(3) 1-сана	мажбурий	4	9-12
(4) 2-сана	мажбурий	4	13-16
(5) Мақсадли вазифа коди	факультатив	3	17-19
(6) Ҳукумат нашри коди	шартли мажбурий	1	20
(7) Ёзувни модификациялаш коди	шартли мажбурий	1	21
(8) Каталоглаштириш тили	мажбурий	3	22-24
(9) Транслитерация коди	шартли мажбурий	1	25
(10) Символлар тўплами	мажбурий	4	26-29
(11) Символларнинг қўшимча тўплamlари	шартли мажбурий	4	30-33
(12) МБ сарлавҳаси графикаси	шартли мажбурий	2	34-35
Изоҳ - «шартли мажбурий» позицияларнинг маълум шартларда мажбурий тўлдирилишини билдиради.			

§a / (8-16 символлар позициялари)

Сана тури, 1-сана ва 2-сана

Сана тури (8-символнинг поз., тўлдирилиши мажбурий) – МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивларини яратишнинг ажратилган

тоифаларига мувофиқ сана турини белгиловчи бир символли код. Сана тури 1 ва 2-саналарни тавсифлайди.

1-сана (9-12-символларнинг позициялари) – тўлдирилиши шарт.

2-сана (13-16-символларнинг позициялари) – сананинг тури билан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўлдирилиши шарт.

Ўзаро боғланган майдон: нашр қилиш санаси ҳам 210-майдонга киритилади. Фарқ шундан иборатки, 210-майдонда нашр қилиш санаси тавсиф манбаидаги шаклга мувофиқ келтирилади, 9-16-позицияларга излаш элементлари сифатида қараладиган нормаланган саналар киритилади. Хужжатнинг мазмуни билан қамраб олинмаган, нашр қилиш санасидан фарқли бўлган сана ёки вақт даврлари 122-майдон Хужжат мазмуни қамраб оладиган вақт даврига киритилиши мумкин.

Агар нашр қилиш санаси маълум бўлмаса ёки сана аниқланмаган бўлса, у ҳолда исталган номаълум сон ўрнига оралиқ симболи: «#» кўйилади.

Сана/саналар турини кўрсатиш учун қуйидаги кодлардан фойдаланилади:

- a = жорий давомли ресурс, бунда 1-сана МБни яратиш бошланган йилни ўз ичига олади, жорий давомли ресурс тўғрисидаги ёзувда 2-сана ҳар доим 9999 ни ўз ичига олади;

- b = нашр қилиниши тўхтатилган давом этаётган ресурс, бунда 1-сана давом этаётган ресурс сифатида МБни яратишни бошлаш йилини ўз ичига олади, 2-сана МБ маълумотлар пакетини шакллантиришни тўхтатиш йилини ўз ичига олади;

- c = номаълум мақомли давомли ресурс, бунда 1-сана давом этаётган ресурс сифатида МБни яратишни бошлаш йилини ўз ичига олади, 2-сана оралиқнинг тўртта симболини: #### ўз ичига олади;

- d = битта календарь йили давомида яратилган МБ, бунда 1-сана нашр йилини, 2-сана оралиқнинг тўртта симболини: #### ўз ичига олади.

- f = яратилиш санаси аниқ маълум бўлмаган МБ, бунда 1-сана тахмин қилинаётган яратиш саналаридан энг аввалгисини, 2-сана эса эҳтимол қилинаётган яратиш саналаридан энг кейингисини ўз ичига олади;

- g = яратилиши бир йилдан ортиқ давом этаётган МБ, бунда 1-сана яратиш бошланган йилни, 2-сана яратиш тугатилган санани ёки яратиш ҳали давом этаётган бўлса, 9999 ни ўз ичига олади;

- h = ҳақиқий яратиш санаси ва муаллифлик ҳуқуқи/имтиёзи берилган санали МБ, бунда 1-сана яратиш санасини, 2-сана муаллифлик ҳуқуқи/имтиёз берилган санани ўз ичига олади.

- j = аниқ яратилган санали МБ, бунда 1-сана яратиш санасини, 2-сана ООКК форматидаги санани (ой ва кунни) ўз ичига олади, бунда ОО – ойнинг, КК – куннинг белгиланиши, зарур бўлганда қўшимча нолли;

- l = коллекциянинг энг четки саналари, бунда 1-сана МБ коллекциясидаги материални яратишнинг энг аввалги йилини, 2-сана МБ коллекциясида материални яратишнинг энг сўнгги йилини ўз ичига олади,

бунда коллекциядаги барча материаллар битта календарь йили давомида яратилган, бу йил 1-сана ва 2-сана сифатида кўрсатилади;

- u = нашр қилиш/яратиш санаси (лари) номаълум, бунда 1-сана ораликнинг тўртта символини - ####, 2-сана ораликнинг тўртта символини - #### ўз ичига олади.

\$a / (17-19 символларнинг позициялари) Мақсадли вазифадаги код

Символларнинг учта позицияси мақсадли вазифадаги кодларга ажратилади. Мақсадли вазифа коди – ушбу ҳужжат фойдаланувчиларнинг қайси ёшдаги тоифаси учун мўлжалланганлигини кўрсатувчи бир символли код. 17-19-позициялардаги кодлар ўнгдан чапга кетма-кет киритилади; фойдаланилмайдиган позициялар оралик символлари - «#» билан тўлдирилади.

Агар мақсадли вазифа кўрсатилмаган бўлса, 17-19-позициялар тўлдиргич-символлар - «|» билан тўлдирилади.

Қуйидаги кодлар белгиланган:

- a = ўсмирлар учун, умумий тусдаги (b, c, d ёки e кодлари ўрнига ишлатилади, бу кодлардан фойдаланилмаганда ёки фойдаланиш мумкин бўлмаганда);

- b = мактабгача ёшдаги болалар учун, 0-5 ёш;

- c = кичик ёшдаги болалар учун, 5-10 ёш;

- d = ўрта ёшдаги болалар учун, 9-14 ёш;

- e = ўсмирлар учун, 14-20 ёш;

- k = катталар учун, илмий;

- m = катталар учун, умумий тусдаги;

- u = номаълум.

\$a / (20-символ позицияси) Давлат ҳокимияти органининг нашр коди

Давлат ҳокимияти органининг даражасини белгиловчи бир символли код, унинг номидан МБ яратилган. Ёзувда 710-майдон бўлган ҳолда белгиланади. Агар 710-майдонга киритилган ташкилот давлат ҳокимияти органи бўлмаса ёки муқобил ёки иккиламчи интеллектуал жавобгарликка эга бўлса (711 ва 712-майдонлар) - «у» коддан фойдаланилади.

Қуйидаги кодлар белгиланган:

- a = федерал/миллий

Мустақил давлатлар ва ўзини-ўзи бошқарувчи ҳудудлар, масалан, ўз қонунчилигига эга давлатлар;

- b = республика, штат/провинция

Федерал ёки миллий даражадан бир даражага паст бўлган, ички ҳукумат ўзини-ўзи бошқариш ва қонунчилик томонидан назоратнинг баъзи хусусиятларига эга, аммо ташқи сиёсат учун жавобгар бўлмаган маъмурий бирлик. Бунга мустақил давлат таркибига кирадиган республика олий давлат ҳокимияти (штат, провинция) органларининг МБ киради;

- c = ўлка, вилоят, округ, графлик/департамент

Одатда ўз қонунчилиги бўлмаган ўрта даражадаги маъмурий бирлик;
 - d = маҳаллий (муниципал, шаҳар ва х.)

Юрисдикциянинг энг кичик даражасидаги маъмурий бирлик (масалан, шаҳар, посёлка);

- e = худудлараро (миллий даражадан паст бўлган турли департаментлар ва ҳукуматларни ўз ичига оладиган).

Биттадан ортиқ маъмурий бирликларни бирлаштирувчи ёки қамраб олувчи миллий даражадан паст бўлган ҳар қандай маъмурий бирлик;

- f = ҳукуматлараро

Мустақил давлатлар билан шартномалар тузиш ваколатига эга бўлган халқаро ташкилотлар ва уларнинг агентликлари (масалан, Халқаро валюта жамғармаси ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти);

- g = норасмий ҳукумат;

- h = даражаси аниқланмаган

МБ қандайдир бошқарув органи номидан яратилганда фойдаланилади, аммо бу органнинг даражасини мавжуд ахборотдан аниқлаб бўлмайди;

- u = номаълум

Ушбу МБ давлат ҳокимияти органи номидан яратилганлигини аниқлаш имкони бўлмаганда фойдаланилади;

- y = ноҳукумат нашри

Коддан МБ қандайдир давлат бошқаруви органининг номидан яратилмаган ҳолда фойдаланилади;

- z = бошқа маъмурий даража

МБ a-g кодларидан биронтасида ҳам акс эттирилмаган даражадаги ҳокимият органи номидан яратилмаганда фойдаланилади.

§a / (21-символ позицияси) Модификацияланган ёзув коди:

- 0 = ёзув модификацияланмаган;

- 1 = ёзув модификацияланган.

Агар ёзув модификацияланса, тўлдирилиши шарт.

§a / (22-24-символлар позициялари) Каталоглаштириш тили

Тўлдирилиши шарт.

Каталоглаштиришда фойдаланиладиган, тилни белгиловчи уч символли код. Тиллар кодлари O‘z DSt 2803 (С илова)га мувофиқ қўлланилади.

Каталоглаштириш тили ҳаволалар, маълумотлар ва изоҳлар тили билан аниқланади (сарлавҳа тили билан эмас).

§a / (25-символ позицияси) Транслитерация коди:

- a = халқаро транслитерация қоидалари;

- b = бошқа қоидалар;

- c = халқаро транслитерациянинг бир нечта схемалари ёки бошқа

қоидалар;

- у = транслитерациядан фойдаланилмайди.

Агар транслитерациядан фойдаланилса, тўлдирилиши шарт.

\$a / (26-29-символлар позициялари) Символлар тўпламлари

Тўлдирилиши шарт.

Ёзувлар билан алмашганда фойдаланиладиган график символларнинг асосий тўпламларини аниқловчи иккита икки символли кодлар. 26-27-позициялар G0 тўпламини, 28-29-позициялар - G1 тўпламини белгилайди. G1 тўплаг керак бўлмаса, 28-29-позициялар оралиқ символларини - «##» ни ўз ичига олади.

Қуйидаги икки символли кодлардан фойдаланилади (зарур бўлса, уларнинг рўйхати кенгайтирилиши мумкин):

- 01 = Асосий лотин ҳарфлари тўплами;

- 02 = Асосий кирилл ҳарфлари тўплами;

- 03 = Кенгайтирилган лотин ҳарфлари тўплами;

- 04 = Кенгайтирилган кирилл ҳарфлари тўплами;

- 05 = Грек ҳарфлари тўплами;

- 06 = Кодланган африка символлари тўплами;

- 07 = Грузин алифбоси символлари тўплами;

- 08 = 1-иврит символлари тўплами;

- 09 = 2-иврит символлари тўплами;

- 10 [Резервланган];

- 11 = Ноёб Европа тилларида фойдаланиладиган лотин символлари;

- 50 = Unicode, UTF-8 (байтларнинг ўзгарувчан миқдоридан (1 дан 6 гача), Юникод символларини сақлаш имконини берадиган матнни кодлаш).

Unicode – ёзма тилларнинг белгиларини тақдим этиш имконини берадиган символларни кодлаш стандарти (тиллар алифболарини тақдим этиш имконини берадиган символларни кодлашнинг 16-битли стандарти).

\$a / (30-33-символлар позициялари) Символларнинг қўшимча тўпламлари

Тўлдирилиши шарт. Ёзувлар билан алмашганда фойдаланиладиган, график символларнинг иккитадан ортиқ бўлмаган қўшимча тўпламларини белгиловчи иккита символли кодлар. Қўшимча тўпламларни белгилаш учун 26-29-позициялар учун мўлжалланган рўйхатга ўхшаш рўйхатдаги кодлардан фойдаланилади.

30-31-позициялар G2 тўплагни, 32-33-позициялар G3 тўплагни белгилайди. Агар символларнинг қўшимча тўпламлари талаб қилинмаса, позициялар оралиқ символлари - «####» ни ўз ичига олади.

\$a / (34-35-символлар позициялари) МБда фойдаланиладиган графика

Хужжатлар ва ёки МБда фойдаланиладиган ахборот графикасини белгиловчи икки символли код. Хужжатлар ва ёки ахборот МБга йиғилган алифбога тегишли.

Кодлар тўпламларининг халқаро стандартлари бўлмаганда қуйидаги кодлар тавсия қилинади:

- ba = лотин;
- ca = кирилл;
- da = япон – номаълум графика;
- db = япон – канжи;
- dc = япон – канна;
- ea = хитой;
- fa = араб;
- ga = грек;
- ha = иврит;
- ia = тай;
- ja = деванагари;
- ka = корейс;
- la = тамил;
- ma = грузин;
- mb = арман;
- zz = бошқа.

101 Хужжат тили

Таърифи

Майдон МБ ва унинг қисмларининг тили тўғрисидаги кодланган ахборотни ўз ичига олади, шунингдек агар МБ материаллари таржима бўлса, асл нусханинг тилини кўрсатади.

Мавжудлиги

Тўлиқ матнли ахборотни ўз ичига олган МБ учун мажбурий. Такрорланмайди.

Индикаторлар

1-индикатор: Таржима индикатори:

- 0 – Асл нусха тили (тиллари)даги МБ (шу жумл. параллел матн);
- 1 – МБ асл нусха ёки оралиқ таржиманинг таржимаси бўлиб ҳисобланади;
- 2 – МБ таржима (бир нечта таржималардан) иборат.

Агар дастлабки форматдан конвертирланган ёзувларда индикаторни ўрнатиш имкони бўлмаса, юқорида тавсифланган қийматлар ўрнига тўлдирувчи символ - «|» дан фойдаланилади.

Агар фақат мақолаларнинг резюмелари МБда таржималар бўлса, 2-қийматдан фойдаланилмайди.

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилари

\$a МБ тили

Матн биттадан ортиқ тилда ёзилган бўлса, такрорланади.

\$b Оралиқ таржима тили

Агар МБ материаллари асл нусха тилидан таржима қилинмаса, мажбурий.

Агар таржима бир нечта оралиқ таржималар орқали амалга оширилган бўлса, такрорланади.

\$c Асл нусха тили.

Агар МБ материаллари таржима бўлса, мажбурий.

Агар асл нусха биттадан ортиқ тилда нашр қилинган бўлса, такрорланади.

\$d Резюме тили.

Умуман МБга ёки унинг қисмларига кирадиган резюме ва рефератлар тили.

Резюме ва/ёки рефератларнинг тилларидан биттаси ҳам матн тили (лари)дан фарқланса, мажбурий (101\$a майдоноти).

Агар ҳужжатда турли тиллардаги резюме ва/ёки рефератлар бўлса, такрорланади.

\$e Сарлавҳа тили.

Сарлавҳа тилларидан битта бўлса ҳам матн тили (лари)дан фарқланса, мажбурий (101\$a майдоноти).

Ҳар бир сарлавҳа тили учун такрорланади.

\$f МБ интерфейсининг тили.

Титул варағидаги тиллардан биттаси ҳам МБ тили (лари)дан фарқланса, мажбурий (101\$a майдоноти).

МТ интерфейсининг ҳар бир тили учун такрорланади.

Ҳар бир майдоноти O‘z DSt 2803 (C илова)га мувофиқ тилнинг уч символли кодини ўз ичига олади. Агар майдоноти такрорланса, тил кодларининг тартиби кетма-кетликни ва каталоглаштирилаётган МБдаги тилдан фойдаланиш қийматини акс эттириши керак. Агар бунинг имкони бўлмаса, тилларнинг кодлари алифбо тартибида ёзиб олинади. «mul» коди қайсидир майдонотида учтадан ортиқ тиллардан фойдаланилса қўлланилиши мумкин.

Ўзаро боғланган майдонлар

100 Умумий ишлов бериладиган майдонлар. Каталоглаштириш тили (\$a, 22-24-символлар позициялари)

200 Сарлавҳа ва масъулият тўғрисидаги маълумотлар, \$z майдоноти
510-541 Ўзаро боғланган сарлавҳалар

102 Нашр қилган ёки ишлаб чиқарган мамлакат

Таърифи

Майдон МБни яратган ёки ишлаб чиққан мамлакатларнинг бир ёки ундан ортиқ номларининг кодларини ўз ичига олган.

Мавжудлиги

Агар маълумотлардан фойдаланиш мумкин бўлса, мажбурий. Такрорланмайди.

Индикаторлар

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдоностилари

\$a МБ нашр қилинган мамлакат.

Каталоглаштириладиган МБ яратилган ёки ишлаб чиқилган мамлакатнинг кодини ўз ичига олади. O‘z DSt 2803 (B илова) га мувофиқ икки символли кодлар жадвалидаги кодлардан фойдаланилади.

Ёзувда 102-майдон келтирилса, мажбурий.

Агар иш биттадан ортиқ мамлакатда ёки мамлакат ҳудудидаги биттадан ортиқ нашр қилинадиган жойда нашр қилинган бўлса такрорланади.

Ўзаро боғланган майдонлар

210 Нашр қилиш, тарқатиш ва ҳ.

620 Нашр қилиш, бажариш жойи ва санаси ва ҳ.

110 Кодланган маълумотлар майдони: давомли ресурслар

Таърифи

Майдон давомли ресурсларга тааллуқли бўлган кодланган маълумотларни ўз ичига олади. Ҳуқуқ эгаси томонидан белгиланган маълум вақт даври давомида тўлдириладиган (янгиладиган) МБ учун код кўрсатилади.

Мавжудлиги

Умуман давомли ресурс учун тузиладиган юқори даражали ёзувда мажбурий. Такрорланмайди.

Индикаторлар

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдоностилари

\$a Давомли ресурснинг кодланган маълумотлари.

\$a майдоностига ёзиладиган барча маълумотлар майдоностидаги символнинг позицияси билан идентификацияланади.

Символларнинг позициялари 0 дан 10 гача рақамланади. Символларнинг барча позициялари майдоностида берилиши керак.

Агар ёзувда 110-майдон берилса мажбурий.

Такрорланмайди.

\$a\$ майдоности маълумотларининг элементлари 3-жадвалда берилган.

\$a\$ / (0 символ позицияси) Давомли ресурс турини аниқловчи

Давомли ресурснинг турини кўрсатувчи қуйидаги кодлар белгиланган:

- f = маълумотлар базаси;
- g = янгиланадиган веб-сайт;
- z = бошқалар.

\$a\$ / (1-символ позицияси) Нашрнинг даврийлиги

3-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар миқдори	Символлар позициялари
(1) Давомли ресурс турини аниқловчи	1	0
(2) Нашрнинг даврийлиги	1	1
(3) Мунтазамлиги	1	2
(4) Материал турининг коди	1	3
(5) Мазмун тусининг коди	3	4-6
(6) Конференция материалларининг индикатори	1	7
(7) Титул варағининг мавжудлиги коди	1	8
(8) Кўрсаткич мавжудлиги коди	1	9
(9) Жамлама кўрсаткич мавжудлиги коди	1	10

Давомли ресурснинг даврийлигини кўрсатувчи бир символли кодлар 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Код	Қиймати	Код	Қиймати
a	= кундалик	k	= ҳар йили
b	= ҳафтада икки марта	l	= икки йилда бир марта
c	= ҳар ҳафта	m	= уч йилда бир марта
d	= икки ҳафтада бир марта	n	= ҳафтада уч марта
e	= ойда икки марта	o	= ойда уч марта
f	= ҳар ойда	p	= мунтазам янгиланади
g	= икки ойда бир марта	u	= номаълум
h	= ҳар чорак	y	= даврийлиги мунтазам эмас
i	= йилда уч марта	z	= бошқа
j	= йилда икки марта		

\$a / (2-символ позицияси) Мунтазамлик

МБ янгилашининг мунтазамлигини кўрсатувчи бир символли код:

- a = мунтазам;
- b = нормаллашган мунтазам эмас;
- u = номаълум;
- y = мунтазам эмас.

\$a / (3-символ позицияси) Материал турининг коди

Давомли (янгиладиган) МБ умуман олганда маълумот материалларининг турларидан бири эканлигини кўрсатувчи бир символли код. 5-жадвалда берилган кодлардан битта кодни танлаш зарур.

\$a / (4-6-символлар позициялари) Мазмун тусининг коди

Ушбу давомли (янгиладиган) МБ таркибида \$a/3-позицияси учун санаб ўтилган типлардан бири ёки бир нечтасининг материаллари борлигини кўрсатувчи уч символли код. \$a/3-позициясида жойлаштириладиган энг давомли (янгиладиган) МБ характеристикасидан фарқлаш зарур.

5-жадвал

Код	Қиймати	Код	Қиймати
a	= библиографик МБ	k	= ахборот шарҳининг МБ
b	= каталогнинг МБ	l	= қонун ҳужжатларининг МБ
c	= кўрсаткичнинг МБ	m	= суд ҳисоботларининг МБ ва суд қарорларидан кўчирмаларнинг МБ
d	= рефератлар ёки резюмелар МБ	n	= юридик мақолалар МБ
e	= луғатлар МБ	o	= суд амалиётидаги ҳолатларнинг МБ ва уларнинг изоҳлари
f	= энциклопедик мазмундаги МБ (энциклопедия)	p	= таржимаи ҳоллар МБ
g	= маълумот тусидаги МБ	r	= кундалик даврий шарҳларнинг МБ
h	= йиллик ҳисобот/йиллик шарҳ МБ	t	= карикатуралар ёки комикслар МБ
i	= статистик ҳисобот/шарҳ МБ	z	= бошқа тур мазмундаги МБ
j	= таълим берувчи (ўқитиш) МБ		

Учтагача кодлар (чапга қараб текисладиган) кўрсатилиши мумкин; фойдаланилмайдиган позициялар оралиқлар - (#) билан тўлдирилади. Агар ресурсни тавсифлаш учун учтадан ортиқ кодлар қўлланилса (яъни уч хил

турдаги материаллар бўлса), 5-жадвалда келтирилган тартибдаги биринчи учта кодни танлаш керак.

Агар маълумотлар элементидан фойдаланилмаса, 0-3-символларнинг позициялари тўлдирувчи символлар - «|» билан тўлдирилади.

\$a / (7-символ позицияси) Конференция материалларининг индикатори

Давомли (янгиладиган) МБ конференциялар, йиғилишлар, семинарлар ёки анжуманлар материаллари ва/ёки ҳисоботларини ўз ичига олганлигини кўрсатувчи бир символли код:

- 0 = конференция номидан яратилган МБ эмас;
- 1 = конференция номидан яратилган МБ ҳисобланади.

\$a / (8-символ позицияси) Титул варағининг мавжудлиги коди

О‘з DSt 2803 га мувофиқ давомли ресурснинг алоҳида жилдлари учун титул варағининг мавжудлигини кўрсатувчи бир символли код, МБ учун қуйидаги кодлар қўйилади:

- y = титул варағи нашр қилинмайди;
- z = бошқа.

\$a / (9-символ позицияси) Кўрсаткич мавжудлигининг коди

О‘з DSt 2803 га мувофиқ давомли ресурснинг алоҳида жилдлари учун кўрсаткич ёки сарлавҳанинг мавжудлигини кўрсатувчи бир символли код, МБ учун қуйида санаб ўтилган кодлар қўйилади. Агар МБнинг ўзи кўрсаткичдан иборат бўлса ва ҳаволали МБ бўлса, у ҳолда 3-символнинг позициясига «с» коди қўйилади.

Агар ҳужжатда кўрсаткич бўлса, тўлдирилиши шарт.

Давомли (янгиладиган) МБ учун қуйидаги кодлар қўлланилади:

- n = МБда кўрсаткич МБнинг ажралмас қисми сифатида мавжуд;
- u = ёзувни тузиш вақтида номаълум;
- y = кўрсаткич мавжуд эмас;
- z = бошқа.

\$a / (10-символ позицияси) Жамлама кўрсаткич мавжудлиги коди

Жамлама кўрсаткич ёки сарлавҳа борлигини кўрсатувчи бир символли код.

Агар ҳужжатда кўрсаткич бўлса, тўлдирилиши шарт.

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- 0 = жамлама кўрсаткич ёки сарлавҳа йўқ;
- 1 = жамлама кўрсаткич ёки сарлавҳа мавжуд.

135 Кодланган маълумотлар майдони: электрон ресурслар

Таърифи

Электрон ресурсларга тегишли кодланган маълумотларни ўз ичига олган. Майдон МБ ва машина ўқийдиган ахборот массивлари учун

қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олиб O‘z DSt 2803 га мувофиқ тўлдирилади.

Мавжудлиги

Факультатив. Битта ёзувда электрон ресурсларнинг биттадан ортик турлари тавсифланганда такрорланади.

Индикаторлар

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдоностилари

\$a Электрон ресурс учун кодланган маълумотлар.

\$a майдоностига ёзиладиган барча маълумотлар майдоностидаги символнинг позицияси билан идентификацияланади.

Символлар позициялари 0 дан 12 гача рақамланади. Символларнинг барча позициялари майдоностида берилиши керак.

135-майдон ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$a майдоности маълумотларининг элементлари б-жадвалда берилган.

б-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар миқдори	Символлар позициялари
(1) Электрон ресурс тури	1	0
(2) Материалнинг махсус белгиланиши	1	1
(3) Ранги	1	2
(4) Ўлчамлари	1	3
(5) Товуш	1	4
(6) Тасвирнинг битли чуқурлиги	3	5-7
(7) Файлли форматлар миқдори	1	8
(8) Нусха сифатининг кафолати	1	9
(9) Аввалги нусха/Манба	1	10
(10) Сиқилиш даражаси	1	11
(11) Сифатни қайта форматлаш	1	12

\$a / 0 Электрон ресурс тури

МБ таркибидаги файлларнинг тури/турларини кўрсатувчи бир символли код.

МБ учун ушбу позиция қуйидаги кодларни ўз ичига олиши мумкин:

- a = рақамли

Таркибида асосан рақамли маълумотлар ёки рақамлар билан ифодаланган бирон нима бўлган файл.

- b = компьютер дастури (лари)

Талаб қилинадиган маълумотлар ва қурилмаларни аниқлаш учун

компьютер томонидан асосий операцияларни кўрсатиш учун мўлжалланган йўриқномаларнинг тартибга келтирилган тўпламини ўз ичига олган файл. Видеоўйинлар, микрокомпьютерлар учун дастурий таъминотни ва компьютер моделларини ўз ичига олади.

- c = тасвир

График моделларни ҳосил қилиш учун бошқа турдаги файллар билан бирга қайта ишланиши керак бўлган тасвирий ёки график ахборотни ўз ичига оладиган файл.

- d = матн

Асосан компьютерда қайта ишланиши ва сараланиши, сўнгра турли ихтиёрий форматларда сўралиши мумкин бўлган кодланган форматга конвертация қилинган ҳарfli ахборотни ўз ичига оладиган файл.

- e = библиографик маълумотлар

Ресурс библиографик ҳаволали маълумотлардан, шу жумладан кутубхона каталогларнинг маълумотларидан иборат.

- f = шрифт

Ресурс шрифтни компьютер билан генерациялаш учун мўлжалланган ахборотдан иборат.

- g = ўйин

Ресурс кўнгилочар ёки таълим тусидаги ўйиндан иборат. Одатда, ўйин матн ва дастурдан ташкил топган. Видеоўйинлар «g» билан кодланади.

- h = товушли файл

Ресурс товушни компьютер ёрдамида қайта эшиттирувчи маълумотларни ўз ичига олган.

- i = интерактив мультимедиали ресурс

Ресурс навигацияни қўллаб-қувватлайди ва маълумотларнинг ҳар хил турларини – аудио, видео ва ҳ.нинг бошқарувини таъминлайди.

- j = онлайн тизим ёки сервис

Ресурс онлайн тизим ёки сервисдан иборат бўлиб, библиографик бўлмаган ахборотни ўз ичига олиши мумкин. Онлайн тизим ёки сервис фойдаланувчи билан тизимли ўзаро ишлашни таъминлайди.

- u = аниқланмаган

Файл тури номаълум

- v = комбинация

Маълумотларнинг ҳар хил турларини ўз ичига олган файл.

- z = бошқа.

§a / 1 Материалнинг махсус белгиланиши

Ташувчи турини белгиловчи бир символли код, МБ учун куйидагилар танланади:

- r = узоқдан фойдаланиладиган тизимлар;

- u = номаълум;

- z = бошқа.

§a / 2 Ранг

МБга кирадиган компьютер файлларининг ранг характеристикаларини белгиловчи бир символли ҳарфли код.

2-позиция қуйидаги кодларни ўз ичига олиши мумкин:

- a = бир ранг;
- b = қора-оқ;
- c = кўп рангли;
- g = кул рангли шкала;
- m = аралаш;
- n = қўлланилмайди;
- u = номаълум;
- z = бошқа.

§a / 3 Ўлчамлар

Компьютер файли ёзилган ташувчи ўлчамларини белгилаш учун фойдаланиладиган бир символли ҳарфли код. МБ учун қуйидаги қийматларга эга кодлар танланади:

- n = қўлланилмайди;
- u = номаълум;
- z = бошқа.

§a / 4 Товуш

Қуйидаги қийматларга эга кодлардан фойдаланилади:

- # = товуш йўқ;
- a = товуш ташувчида;
- u = номаълум.

§a / 5-7 Тасвирнинг битли чуқурлиги

Электрон ресурсни ташкил қилувчи сканланган тасвир (тасвирлар)нинг аниқ битли чуқурлигини белгиловчи уч символли рақамли код. Битли чуқурлик тасвирнинг ҳар бир пикселини белгилаш учун фойдаланиладиган битларнинг сони сифатида ҳисобланади. Қуйидаги кодлардан фойдаланилади:

- a) 001-999 – битли чуқурликнинг аниқ қиймати
mmm = тасвирларнинг биттадан ортиқ тури (тасвирларнинг бир нечта турлари)
- b) nnn = қўлланилмайди
- c) --- = номаълум (аниқлаб бўлмайди)

§a / 8 Файлли форматлар миқдори:

- a = файлларнинг битта формати;
- m = файлларнинг бир нечта форматлари;
- u = номаълум.

§a / 9 Нусха сифатининг кафолати

Ресурсни ўзгартириш / ҳосил қилиш пайтида нусханинг сифати таъминланган ёки йўқлигини белгиловчи бир символли ҳарфли код:

- a = мавжуд эмас;
- n = қўлланилмайди;
- p = мавжуд;
- u = номаълум.

§a / 10 Аввалги нусха/манба:

- a = файл асл нусхадан кўпайтирилган;
- b = файл микрошаклдан кўпайтирилган;
- c = файл компьютер файлидан кўпайтирилган;
- d = файл микрошаклдан эмас, оралиқ ташувчидан кўпайтирилган;
- m = аралаш;
- n = қўлланилмайди;
- u = номаълум.

§a / 11 Сиқиш даражаси:- a = сиқиш йўқ;

- b = йўқотмасдан сиқиш;
- d = йўқотишлар билан сиқиш;
- m = аралаш;
- u = номаълум.

§a / 12 Ўзгартириш сифати

Бир символли ҳарфли код ўзгартирилган электрон ресурснинг асосий физик характеристикаларини ва кўзда тутиладиган фойдаланишни белгилайди, дастлабки ҳужжатдан фойдалана олиш учун мўлжалланган файллар ва дастлабки ресурсни сақлаш (ва эҳтимол алмаштириш) учун мўлжалланган файллар ўртасидаги фарқни аниқлайди. Қуйидаги кодлардан фойдаланилади:

- a = фойдалана олиш

Электрон ресурс дастлабки ҳужжатдан кундалик электрон фойдалана олишни таъминлайди, аммо ресурснинг сифати ундан асл нусханинг ўрнига фойдаланиш мумкинлиги учун етарли эмас.

- n = қўлланилмайди
- p = сақлаш

Электрон ресурс асл нусханинг сақланишини таъминлаш мақсадида яратилган.

- r = алмаштириш

Электрон ресурс етарлича юқори сифатга эга бўлиб, дастлабки ҳужжат йўқолган, шикастланган ёки бузилган ҳолда унинг ўрнида ишлатилиши учун яратилган.

- u = номаълум.

7.3 2xx майдонлар блоки – тавсифловчи ахборот блоки

Блок МБ ва машинада ўқиладиган ахборот массивларини тавсифловчи маълумотларни ўз ичига олган. Маълумотлар МБни етказиб берувчида берилганидек ва/ёки тармоқдан узоқдан фойдалана олиш платформасида (МБ интерфейси) берилган шаклда келтирилади.

Блок қуйидаги майдонларни ўз ичига олган:

200 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар

205 Нашр тўғрисидаги маълумотлар

210 Нашр, тарқатиш ва б.

230 Ўзига хос маълумотлар соҳаси: электрон ресурслар

200 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисида маълумотлар

Таърифи

Майдон қуйидаги маълумотларни шакл ва кетма-кетликда сақлайди: МБ (пакет)нинг асосий сарлавҳаси; параллел сарлавҳалар; сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар; жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар (МБни ишлаб чиқувчи).

Мавжудлиги

Мажбурий. Такрорланмайди

Индикаторлар

1-индикатор: асосий сарлавҳа фойдалана олиш нуқтаси ҳисобланишини аниқлайди:

- 0 – Фойдалана олиш нуқтаси ҳисобланмайди;

- 1 – Фойдалана олиш нуқтаси ҳисобланади.

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдоностилари

\$a МБ (пакет)нинг асосий сарлавҳаси. Мажбурий. Асосий МБ таркибига кирадиган, битта умумлаштирувчи сарлавҳа билан бирлаштирилмаган бошқа пакетлар (МБ шохлари)нинг сарлавҳаларини санаб ўтиш зарур бўлган ҳолда такрорланади.

\$b Материалнинг умумий белгиланиши. Мажбурий. Такрорланмайди.

\$d Параллел сарлавҳа. Такрорланади.

\$e Сарлавҳага тегишли маълумотлар. Такрорланади.

\$f Жавобгарлик тўғрисидаги биринчи маълумотлар (МБни ишлаб чиқувчи). Такрорланади.

\$g Жавобгарлик тўғрисидаги кейинги маълумотлар. Такрорланади.

\$h Қисм рақами. Такрорланади.

\$i Қисм номи. Такрорланади.

Ўзаро боғланган майдонлар

5xx – Ўзаро боғланган сарлавҳалар блоки

Мисоллар
2001# $\$a$ Oxford Journals Online $\$b$ Электронный ресурс $\$e$ [лицензионная база данных] $\$f$ Oxford University Press

2001# $\$a$ BioMED Online $\$b$ Электронный ресурс $\$e$ medical articles and reference database $\$e$ [лицензионная медицинская база данных научных статей и справочной информации] $\$i$ Neuroanatomy $\$h$ 2000-2017 $\$f$ Harvard Medical Service $\$g$ National Health Service 5451# $\$a$ Neuroanatomy.2000-2017

205 Нашр тўғрисидаги маълумотлар

Таърифи

